

Одил ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO кафедраси
ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича PhD

ТОКИО МУСУЛМОН МАКТАБИНИНГ ИСЛОМ ТАЪЛИМИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШИДАГИ ЎРНИ (1927-1937)¹

Японияга мусулмонларнинг илк маротаба кириб бориш санаси, кун чиқар юртда ислом тарихига оид япон тилида топилган маълумотларга кўра, XVIII асрнинг бошларига тўғри келади. Умуман, Япониядаги ислом тарихи давр жиҳатидан қисқа, аммо мазмунан бой бўлиб, ўлкадаги илк мусулмон жамоалари Мэйдзи (1868-1890) ҳукмронлиги вақтида Йогогама ва Кобэ шаҳарларига ишлаб маблағ топиш мақсадида кўчиб келган ҳинд ва малай денгизчиларидан иборат бўлган².

XX асрда эса, япон-мусулмон алоқалари тарихи кўплаб эътиборга молик воқеалар билан бойиди. Бунда Япония ҳукуматининг мусулмон мамлакатлар билан олиб борган алоқалари кўлами кенгайганлиги асосий ўрин тутди. Шу мақсадда, япон империял ҳукумати айни пайтга қадар мусулмон дунёси билан ривожланиб

улгурмаган алоқаларни мустаҳкамлашга киришди. Жумладан, императорга яқин шахслар томонидан Японияда исломни ёйиш учун кафолатни таъминлаши мўлжалланган “мусулмон пакти” имзоланди. Ушбу пактга имзо чекканлар орасида Тсуёши Инукаи (Tsuyoshi Inukai, кейинчалик Япония бош вазири бўлган), Рёхэй Учида (Ryohei Uchida, императорнинг ишончли вакили) ва Мицуру Тоёма (Mitsuru Toyama, нуфузли япон сиёсатчиси) бор эди. Мазкур пактга имзо қўйишда мусулмонлар тарафидан Абдуллаҳид Иброҳим иштирок этган. Мазкур пактнинг амалий ифодаси сифатида 1927 йил 2 октябрда Япония пойтахтидаги Окубо мавзесида “Токио ислом мактаби” ўз фаолиятини бошлади. Албатта, Япониядаги ислом динининг қисқа тарихида содир бўлган бундай тарихий воқеълик у ердаги оз сонли барча ёшдаги мусулмонлар ҳаётида руҳий ва маънавий ўзгариш ясади³.

Токиода мусулмон мактабининг очилиши Узоқ Шарқда ислом динининг тарқалишида ижобий рол ўйнади. Чунки бу даврга келиб, Японияда мусулмон фарзандларига диний таълим бериш учун Қуръон мусхафи етишмас, мусулмон турк-татар мактабларида имло масаласида зиддиятлар кўзга ташланар⁴, Узоқ Шарқ, ундан Японияга келган мусулмон муҳожирларнинг болалари диний-маънавий тарбия жиҳатидан тамоман ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Диний ва миллий туйғусини сақлаб келган ота-оналарнинг бир нечаси Харбин⁵га, Токиодан 3.100 км узоқликдаги ерга бориб болалари диний ва миллий тарбия, билим олишларини жуда истасалар-да, бошқа тарафдан, улар кичик болаларини узоқ масофага, қолаверса, ҳар бир бола бошига 50-60 иендан йўл харажати сарфлаб юбориш оғирлигини ўйлаб, бу масалани орқага суришга мажбур бўлганлар.

¹ Мазкур мақола 1937 йил Токиодаги мусулмон мактабининг ўн йиллик фаолиятига бағишланиб мактаб идораси томонидан тузилган рисола асосида тайёрланди. Бу рисолага эски татар ёзувидаги изоҳлар битилган мактаб фаолиятдан суратлар ҳамда унинг мухтасар тарихи тўғрисида маълумот киритилган. 2011 йилда Токиодаги “ТОҲО” университети таркибидаги Осиё маданиятларини ўрганиш институти “Замонавий Японияда турк-татар мусулмонлари ҳақида фундаментал тадқиқотлар” номи лойиҳа доирасида ушбу рисолаи ўрганиб, ундаги суратлар остига япон тилидаги изоҳлар киритди ҳамда инглиз тилидаги “Tokyo Muslim School Album (1927-1937)” сарлавҳаси билан қайта нашр қилди.

² https://en.wikipedia.org/wiki/Islam_in_Japan

³ Tokyo Muslim School Album (1927-1937). Asian Cultures Research Institute, TOYO University, Tokyo, 2011. — P. 44.

⁴ Баъзи мактабларда татарча сўзлар имло хатолари билан ёзила бошланган, арабча сўзлар бузилиб, исмлар янглиштирилиб, айрим қийинчиликлар юзага келган, қолаверса, маҳаллий мактабларда ўқиган мусулмон болалар татарчада ота-оналари исмларининг ёзиш-ни билмас, “аъузу бисмиллаҳ”ни янглиш ёзар, арабча нуктали ҳарфлар билан нуктасиз ҳарфларнинг орасини фарқлай олмай қолгандилар.

⁵ Харбин (Harbin) — 1897 йилда руслар томонидан ташкил этилган, ҳозирги кунда Хэйлунцзян (Heilongjiang) провинцияси пойтахти ҳисобланувчи шаҳар.

Шундай вазиятда, Япониянинг турли ҳудудлари ҳамда пойтахт – Токиода яшовчи мухожир турк-татар мусулмонлари бирлашиб, 1925 йил январида жума намозидан кейин Токиода мусулмон маҳалласини ташкил қилдилар. Ушбу маҳаллада ўтказилган жума намозларида сўзланган ваъз ва насиҳатлар сабабли уларда диний ва миллий туйғу уйғонди. 1927 йил Қурбон байрамидан сўнг маҳалла аъзолари Токиода миллий ва диний характерга эга ислом мактаби очиш ҳақида фикр алмашдилар. Бу хусусда маҳалла бош имоми ва мударрис Муҳаммад Абдулҳай Қурбонали тарафидан Япония ҳукуматига мурожаат қилиниб розилик жавоби олинган, ўша йилнинг 2 октябрида Токио шаҳридаги Окубо⁶ мавзесида ислом мактаби очилди ҳамда бошланғич мактаб дастури асосида миллий ва диний фанлардан таҳсил берилди бошланди. Кейинроқ, Япония императорлигининг маориф қонунларига мувофиқ, тегишли шартлар бажарилган, 1927 йилнинг 5 декабрида Токиодаги ислом мактаби Муҳаммад Абдулҳай Қурбонали мудирлигида расмий равишда очилиб, маориф назорати қарамоғида бўлган давлат мактаблари сирасига киритилди. Шунингдек, Япониядаги расмий мактаблар фойдаланган ҳуқуқ ва имтиёзлар мазкур мактабга ҳам берилди. Бундан ташқари, у фақат бошланғич мактаб бўлиб қолмай, балки унга келажакда ўрта, олий таълим муассасаси даражасида кенгайтирилишга рухсат этилди.

Мусулмонларнинг савий-ҳаракатлари асосида ташкил этилган ислом мактаби дастлабки даврда Япония пойтахтидаги Окубо мавзесида уч хонадан иборат уйда ўз фаолиятини бошлади. Бироқ, кейинроқ муайян сабабларга кўра у ерни тарк этишга мажбур бўлинди ҳамда 1931 йил январида Токиодаги “император Мейдзи боғи”нинг жанубий-ғарбида, Ёёги майдони⁷га қўшни Томигая⁸ мавзесида

1461-рақам билан рўйхатдан ўтказилган бинога кўчиб ўтиб, мазкур таълим муассаси нафақат мактаб, балки масжид биносига ҳам эга бўлди.

Токио мусулмон мактаби давлат таълим дастури бўйича саккиз йиллик этиб белгиланиб, жумладан, олти йиллик бошланғич таълим ва икки йиллик тайёрлов синфларидан ташкил топган. Мактаб ўқув кенгаши ва ўқитувчилар таркиби дастлабки ўқув йилида мудир Муҳаммад Абдулҳай Қурбонали, она тили муаллимаси Робия Комкино, рус тили муаллимаси Робия Носирия, гимнастика муаллими Хон Тамир Ниниш, расм ва меҳнат дарси муаллими Миноми Токиси ҳамда япон тарихи ва географияси муаллими Окубо Кужи (Ризо)дан иборат эди. Ушбу ўқув йилида мактабга 14 нафар ўқувчи қабул қилиниб, улардан 4 нафари биринчи синф, 4 нафари иккинчи синф, бир нафари учинчи синф, тўрт нафари олтинчи синфдан таҳсилни бошлаган. Кейинги ўқув йилларида мактаб ўқувчилари сони мунтазам ошиб борди. Масалан, бешинчи ўқув йилида (1932) мактабни 33 нафар ўқувчи тамомлади. Шулардан, беш нафари мактабнинг бошланғич босқичини тугатганлигини ифодаловчи кумуш нишон билан тақдирланди. Мактаб ўқитувчилари таркиби эса ҳар ўқув йилида турли (аёл ўқитувчиларнинг турмушга чиқиши ёки қўшни давлатларга кўчиб кетиши) сабабларга кўра ўзгариб борди. Олтинчи ўқув йилидан мактабнинг тайёрлов синфларини битириб, муаллимликка лаёқатли деб топилганлардан баъзилар бошланғич синфларга дарс бериш учун ўқитувчиликка қабул қилиндилар.

Токио мусулмон мактаби ўқувчиларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган 7,5 иен миқдоридagi ойлик тўлов, мусулмон маҳалласи аъзоларининг бериб борадиган ойлик моддий ёрдами ҳамда байрам ва тадбирларда йиғилган хайр-садақалар ҳисобига фаолият олиб борган. Ўз навбатида, мактабда таҳсил олган кам таъминланган кишиларнинг болалари учун ойлик тўлов камайтирилиб берилган.

Токио мусулмон мактабида диний фанлар энг муҳим саналиб, улардан – ақида, фикҳ, тажвид, ислом ахлоқи, ислом фалсафаси, араб тили ва нутқи, ислом тарихи ва ҳозирги кундаги мусулмонлар ҳаётига оид маълумотлар, тафсир ва ҳадис дарслари ўқитилган. Диний дарслардан сўнг она тили дарслари ўрин тутган бўлиб, улардан – ўқиш; ёзиш; татар тили қондаси;

⁶ Окубо (Okubo) – бугунги кунда Токионинг Синдзюку (Shinjuku) номи маъмурий маркази таркибига кирган, асосан корейс жамоалари истиқомат қилувчи туман.

⁷ Ёёги хиёбони (Yoyogi park) – турли даврларда, хусусан, иккинчи жаҳон урушига қадар Япония армияси учун ҳарбий машғулот майдони, 1945 йил (АҚШ қўшини бўлинмалари Японияга кириб келган)дан 1964 йилга қадар АҚШ армияси бўлинмаларининг қароргоҳи, 1964 йилда Токиода ўтган ёзги олимпиада ўйинлари вақтида олимпия шаҳарчаси вазифасини ўтаган. Ҳозирги вақтда, Токиодаги “яшил ҳудуд” ҳисобланади.

⁸ Томигая – ҳозирда Токионинг Сибуйа (Shibuya) районида жойлашган мавзенинг номи.

татар тарихи; татарча сўзлашув; қисқача нутқ, ваъз, топишмоқлар ва ибратли сўзлар; шеър ва куй; татар адабиёти; туркий халқлар шевалари (Усмонли шеваси, Туркистон шевалари билан танишув) дарслари бўйича таълим берилган. Шунингдек, мактабда табиий фанлардан – география, табиат, математика, жисмоний тарбия дарслари татар тилида олиб борилган. Қолаверса, япон ҳукуматининг олти йиллик бошланғич мактаб дастури бўйича япон тилида ўқиш, ёзиш, муайян даражада сўзлашиш ҳамда рус ва инглиз тиллари ўргатилган.

Бундан ташқари, япон ҳукуматининг бошланғич таълим дастурига кўра расм, меҳнат фанларидан таълим берилган. Меҳнат дарсида ўғил болалар турли жиҳозлар ясаш, мактаб қошидаги босмахона учун арабча ҳарфлар чизишни ўрганган бўлса, қизлар машина ва кўлда тикиш, ип йигириш, япон муаллимасидан чечак ясаш сирларидан воқиф бўлган.

Токио мусулмон мактаби очилганининг илк давридан тўқнаш келган муаммолардан бири дарсликларни мавжуд эмаслиги эди. “Токиодаги мусулмон мактаби суратлар мажмуаси” рисоласида келтирилишича, “ўша вақтда Японияда истиқомат қилувчи мусулмонларнинг сони 500 дан ортиқ бўлса-да, уларнинг қўлидаги Қуръон мусҳафи ўн кишига бир ҳам тўғри келмасди. Имкон даражасида диний фанлар бўйича дарсликлардан Ҳоди Мақсудийнинг “Ақоид” ва “Ибодати исломия” китоблари топилиб, мактабда ўқитиш учун Ҳазрат Қурбонали ва Мағфура хоним Мустафо томонидан қайта ёзилиб, Аҳмад афанди Ваҳҳоб Қаровийга китоб ҳолида чоп этиш учун юборилди. Бундан ташқари, “Тажвид” ва “Ислом тарихи” китоблари ҳам типографияда босиб чиқарилди. Шунингдек, ўша вақтда, Муаллим аш-Шариа китоби ҳам кўлда ёзилиб нашр этилди. Она тилига доир фанлар бўйича дарсликлар Харбин маҳалласидаги зиёлилар томонидан кўлда ёзилиб, тош босмада босилгач, мактабга фойдаланиш учун топширилди. Кейинроқ, татар миллати тарихини ўргатишга оид дарс мактаб фанлари рўйхатига киритилгач, у бўйича катта машаққат билан Убайдуллоҳнинг “Татар тарихи” номли китоби топилиб, уни Иноятуллоҳ афанди Зайниддин исмли мусулмон маҳалласи аъзоларидан бирига ёздириб, типографияда босиб чиқарилди.

Математика фани бўйича татар тилида дарслик биринчи ва иккинчи синфдан бошқа синфларга топилмаганлиги сабабли учинчи синфдан бошлаб уни русча ўқитишга киришилди. Ўз навбатида, география ва табиат фанларига доир татар тилидаги дарсликлар мавжуд эмаслиги боис улар бўйича машғулотлар мажбуран рус тилида олиб борилди”⁹.

Шу билан бирга, Харбиндан рус тилидаги адабиётлар, Токионинг ўзидан инглиз тилидаги китоблар сотиб олиниб, мактаб дарс жараёнида фойдаланилган. Юқорида зикр қилиб ўтилган диний фанлардан ташқари қолган барчаси бўйича дарсликлар Муҳаммад Абдулхай Қурбонали томонидан тузилиб, кўлда ёзилиб, шогирдларига кўчиртирилган ва дарсда қўлланилган.

Мазкур шароитда бутун Японияда истиқомат қилувчи мусулмонлар иштирокида 1927 йилнинг октябрь ойида “Япония мусулмонлари конгресси” ташкил этилиб, унда маҳаллий мусулмонларнинг келгусида ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий ҳаётларига таъсир кўрсатган бир қатор қарорлар қабул қилинди. “Бу қарорлар орасида Японияда турувчи мусулмон болалари учун ўз тилларида бошланғич мактаблар очиш, у ерда диний ва миллий маълумотлар бериш, мактабларда ўрта-умумий имло қоидаларидан фойдаланиш, уларга ҳунар ўргатиш, кам таъминланган мусулмон оилалари ва уларнинг болаларига ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш, мусулмон мактаби фаолияти ҳамда маҳаллий мусулмонларнинг диний саводхонлигини ошириш учун зарурий дарслик ва адабиётлар билан таъминлаш мақсадида босмахона таъсис этиш, мусулмонлар турган ерларда дафн ишлари учун қабристон ташкил қилиш, мусулмон йигит ва қизлар ўртасида оила қурилишига қатъий эътибор қаратиш, япон-мусулмон дўстлигини мустаҳкамлаш каби бандлар мавжуд эди”¹⁰.

Ушбу конгрессда нафақат муҳожир мусулмонлар, балки маҳаллий ҳукумат аъзолари, япон миллатининг жамоат арбоблари, жумладан, собиқ бош ношир жаноб Инукойи, собиқ ишчи ишлар нозири жаноб Токуноми, япон миллатининг бобоси номи билан маълум

⁹ Tokyo Muslim School Album (1927-1937). Asian Cultures Research Institute, TOYO University, Tokyo, 2011. – P. 44-45.

¹⁰ Ўша манба. – P. 42.

Тувоёмо бобо, Япониянинг Венгриядаги мухтор элчиси (ўша вақтда Японияга саёҳатга келган) ва Венгриядаги Турон жамияти директори профессор жаноб Парула ва бошқа машхур инсонлар иштирок этиб, мусулмонлар олиб бораётган ишларга ўз муносабатларини билдиришган.

1927 йилнинг куз фаслида ўтказилган мазкур конгресс натижаларидан ўларок, Токиодаги ислом мактаби ва мусулмонлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, диний-маърифий китоблар чоп этишга ихтисослашган босмахона очишга киришилди. Туркиядаги бир газета босмахонасининг фойдаланмай турган араб тили шрифтлари 100 иен (уен)га сотиб олиниб Токиога келтирилди. Божхона назорати ушбу жиҳозларни Японияга киритиш учун 100 иен миқдорида солиқ солди, лекин обрў-эътиборга эга бир неча япон миллати вакилларининг воситаси билан бу солиқ 50 иенга камайтирилди, натижада, араб тили шрифтлари Токиодаги мусулмон маҳалласи аъзолари қўлига етиб келди. Муҳаммад Абдулхай Курбонали ва унинг шогирдларининг араб тили ҳарфларини тартибга келтириш борасидаги саъй-ҳаракати, япон йигити Ҳорун Койзумининг бир ой давомида Япония матбаалари иш фаолияти ва чоп этиш услубларини ўрганиб, малакасини ошириши ҳамда мусулмон маҳалласининг бир қатор аъзоларининг 500 иен миқдоридаги моддий кўмаги билан, 1930 йилнинг январ ойида босмахона ислом динига оид илк китобларни босиб чикарди.

1937 йилда матбаа томонидан Узоқ Шарқдаги ислом дини тарихида илк маротаба Қуръони карим мусхафи нашр қилиниб, ундан нусхалар Миср, Афғонистон, Ироқнинг давлат ва жамоат арбоблари, Мисрдаги “ал-Азҳар” университети олимлари ҳамда Япония императори Хирохитога юборилди. Шунингдек, ушбу матбаа тарафидан Япония ва Узоқ Шарқдаги мусулмонлар ҳаёти ҳақида маълумот бериб боришга мўлжалланган “Япон муҳбири” номли ойлик журнал ҳам чоп этилди.

Токио мусулмон мактабининг очилишига маҳаллий аҳоли ижобий муносабат билдирган. Мактаб расмий формасидаги ўқувчиларни кўрганда япон миллати вакиллари “ватанимиздаги муҳожир мусулмонларнинг болалари” деб уларга ўз самимиятларини

билдиришарди. Мактаб ўқувчилари маориф ва темир йўллар назорати тарафидан берилган ҳуқуқ бўйича трамвай ва поездда имтиёзли ойлик ва йиллик чипталардан фойдаланган. Шу ўринда айтиш мумкинки, мазкур мактаб ўқувчилари нафақат Токиода истикомат қилувчи муҳожир турк-татар болалари, балки пойтахтга қўшни шаҳарлар ҳамда Кореядан келиб таҳсил олувчилардан иборат эди. Токио ташқарисидан мактабга қатновчи ўқувчилар учун муассаса ҳудудида ётоқхона ташкил қилиниб, улар у ерда ёзги таътилга (май ойи) чиққунга қадар қолиб, таълимни давом эттирган.

Ислом мактабининг очилиши билан мактаб биносида ўқувчилар ва Токиодаги мусулмон маҳалласи аъзолари иштирокида турли байрамлар ташкил этиш, байрам баҳонасида дастурхон атрофида ўтириш одат тусига кирган. Шундай байрам саналаридан бири ҳижрий янги йилни нишонлаш ҳисобланарди. Бунда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳижрати, саҳобалар томонидан амалга оширилган эзгуликлар ҳақида суҳбатлашиб, ўқувчилар тарафидан тайёрланган мақол, шеър, куй ва топишмоқлар бўйича мусобақалар ташкил қилинган. Шунингдек, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг туғилган санаси (ҳар ҳижрий йилнинг “Робиъ ул-аввал” ойи)га бағишлаб тадбирлар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Рамазон ойида эса, мактабдаги дарслар олти соат ўрнига кунига тўрт соат қилиб белгиланган. Мактаб ўқувчилари таровеҳ намозида иштирок этиб тасбиҳ айтганлар. “Ийд ал-Фитр” (Рамазон байрами) ва “Ийд ал-Адҳо” (Қурбон байрами) кунлари мусулмон маҳалласи аъзолари томонидан мактаб ўқувчилари учун махсус байрам дастурхони ташкил қилиниб, уларга турли совғалар улашилган.

Хулоса қилиб айтганда, Япониядаги ислом тарихи давр жиҳатидан қисқа, аммо мазмунан бой бўлиб, манбаларда япон ва мусулмон халқлари ўртасидаги алоқалар XI асрдан бошланганлиги, XVIII асрдан ҳозирга қадар изчил ривожланиб келаётганлиги қайд этилди. XX асрда япон-мусулмон алоқалари тарихи кўплаб эътиборга молик воқеалар билан бойиди. Бу даврда Токио мусулмон мактабининг очилиши Япониядаги оз сонли барча ёшдаги мусулмонлар ҳаётида руҳий ва маънавий ўзгариш ясади.